



ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ Европа Иттифоқининг комиссарлари — Йозеф Сикела ҳамда Марта Кос бошчилигидаги делегация билан учрашди.



Давлатимиз раҳбари Греция, Индонезия, Латвия, Франция, Россия, Япония ва Тожикистондан янги тайинланган элчилардан ишонч ёрлиқларини қабул қилди.



Президентимиз Франция Республикаси транспорт вазири Филипп Табарони қабул қилди.

••••• УЮШМА КЎМАГИДА

ИЖТИМОЙ МАСЪУЛИЯТ ВА ЮКСАК ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ — ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.



Жамшид НАЗАРБОВЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Марказий аппарати бўлими бош мутахассиси.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси кўмагида давлатимиз раҳбари белгилаб берган йўналишлар асосида жорий йилда "Обод хонадон", "Обод кўча", "Обод маҳалла" мезонларини барча йиғинларда жорий этиш, унинг доирасида дарахт ва бута кўчатлари экиш, аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишни ташкил этишда ижобий натижаларга эришилмоқда. Мазкур вазифаларни тизими, тартибли, сифатли бажариш мақсадида ҳар бир маҳаллада манзилли режалар шакллантирилган.

Жойларда "Обод хонадон" мезони асосида жорий йилнинг шу даврига қадар 3 миллион 27 мингта хонадонда ҳамда 111 минг 247 та кўп қаватли уй-жойларда тозалаш ва таъмирлаш ишлари бажарилди. Бу жараёнда хонадонларнинг ташқи девори (фасади), ошхонаси, тандирхонаси ва бошқа қурилмалари таъмирланди, 1 миллион 513 мингта хонадон томорқасида чопиш (ҳайда-тиш) ишлари амалга оширилди.

"Обод кўча" мезони асосида 140 минг 319 та кўчани тозалаш режалаштирилган бўлиб, шундан 128 минг 392 тасида белгиланган вазифалар бажарилди. Жумладан, қарийб 20 минг километр ички йўллар асфальтлаштирилди. 2,7 минг километри шағаллаштирилиб, 180 мингга яқин ташқи ёритиш чироқлари ўрнатилди. Қолаверса, 1,9 миллионга узум-ток кўчатлари экилди. 12 минг 277 та болалар ва спорт майдонлари тартибга келтирилди.



Маълумот учун, сув таъминоти оғир бўлган 874 та маҳалла ўрганилиб, уларда жами 1 триллион 394 миллиард сўм маблағ ҳисобига қурилиш ишлари бошланди. Шу кунгача 867 та йиғинда (98 фоиз) 1 триллион 120 миллиард сўм маблағ эвазига суғориш тизими тўлиқ яшиланди ва 411 мингта хонадон томорқаси сув билан таъминланди.

Ободлик, тозалик тadbирларида қатор хайрли амалларга қўл урилди. Жумладан, маҳаллаларда бобо ва невараларнинг биргаликда дарахт экиш амаллари бажарилди. Зотан, ўз қўли билан кўчат ўтказган, уни парвариш қилишда иштирок этган, томорқаси, ҳовлиси тозалигини таъминлаган боланинг онгу тафаккури ҳам ўзгача бўлади.

Маҳаллаларда ота-боболаримиздан мерос анъана — оилада янги фарзанд дунёга келганида унга атаб дарахт экиш қадрияти кенг тарғиб этилди. Зеро, келажакда ўзи учун экилган ниҳол униб-ўсаётганини кўрган боланинг қалбидаги орзу-мақсадлари ҳам юксак бўлади. Ниҳондан ўтаётган ёшлар мана шундай бахтли онларидан эсдалик сифатида, яхши ният билан ерга ниҳол экилди.

Сирасини айтганда, бугун ҳар бир маҳаллада "Йиғин обод бўлса, кўчанг обод бўлади, маҳалланг обод бўлса, қалбинг обод бўлади", деган ҳаётий шиор фаолиятнинг дас-туриламалига айланган. Одамларни ижтимоий масъулият, меҳнат тарбияси, дахлдорлик туйғуси камраб олган. Аҳоли вакиллари фарзандлариغا намуна бўлиб, уйи, томорқаси, кўчаси, маҳалласи озодалигини таъминлашга интиляпти.



Янги Ўзбекистоннинг бугуни — кучли ва барқарор тараққиётга замин яратаётган даврдир

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.



Президентимиз Ургут вокзалида биз, нурунийлар билан саимий мулоқот қилди. Барчамизни янги поезд қатнови билан табриклади, биз ҳам, ўз навбатида, у кишига миннатдорлик билдириб, эзгу ниятларимизни тиладик. Одамларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, даромад ва фаровонлиқни ошириш, маҳаллаларни обод қилиш борасидаги ташаббусларда у кишига камарбаста бўлишимизни билдирдик. Янги темирйўл аҳолига янада қулай шароит яратиши қайд этилди.

Ургут туманида халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Президентимиз иштирок этди ва вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги вазифаларни белгилаб берди. Йиғилишда "Ургут тажрибаси" ўларок, туманда қурилиш, саноат, туризм, қишлоқ хўжалиги, деҳқончилик ва чорвачилик соҳаларида янги имкониятлар ишга солиниши айтиб ўтилди.

Этиборлики, Ургутдаги маҳаллалар инфратузилмасига келаси йил 260 миллиард сўм маблағ ажратилади. Мисол учун, "Тинчлик" маҳалласида логистика маркази қуриш учун 5 миллиард сўмлик инфратузилма яратилади. Туман марказидаги Навоий шоҳ кўчасини туну кун ишлайдиган масканга айлантириш орқали 500 нафар одамни ишли қилиш мумкин. 8 та маҳалла инфратузилмасини яхшилашга Ислон тараққиёт банкидан 10 миллион доллар жалб қилинади.

Давлатимиз раҳбарининг вилояти-мизга ташрифидан руҳланган ҳолда, бугунги ислохотлар кўлами ва мазмун-моҳиятига доир фикр-мулоҳазалар билан бўлишим келди.

Ҳар бир мамлакатнинг миллий давлатчилик тарихида туб бурилиш ясаган алоҳида муҳим воқеаликлар, кучли ва барқарор тараққиётга замин яратган даврлар бўлади. Мамлакатимизда кейинги йилларда янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлидаги улкан бунёдкорлик ишлари, тарихий янгилашни жараёнларини ана шундай муҳим даврлардан бири, дейиш мумкин. Бунга тўлиқ асосларимиз бор.

Хусусан, ҳар бир соҳа ва тармоқда "Инсон қадри учун" тамойили асосида кечаётган янгилашни жараёнлари юртдошларимиз узоқ йиллар орзу қилган ўзгаришлар, қатта муваффақиятларга замин бўлмоқда. Бунинг исталган йўналишнинг кечяги ва бугунги ҳолатини таққослаш орқали янада равшанроқ кўриш мумкин.



Масалан, аксариятимиз фарзандларимизни ўқитиш масаласида, айниқса, боғча ва олий таълим тизими билан боғлиқ қатор мураккаб қийинчиликларга дуч келганмиз. Яъни болангизни беришга боғча йўқ, бор бўлса, жой муаммо. Олийгоҳда таҳсил олиш эса энг оғирлиқ масала: квоталар чекланган, кириш имтиҳонлари сирли жумбоқ...

Бугун-чи!? Ёшларнинг сифатли таълим олишини таъминлаш, аввало, мактабгача таълим тизимига эътибордан бошланди. 2017 йилда тўрт мингдан ортиқ маҳаллада бирорта боғча йўқ эди, қамров 27 фоиздан ошмасди. Бугунги кунда боғчалар сони 38 мингдан, қамрови эса 78 фоиздан ошди. Қолаверса, олий таълим муассасалари сони 77 тадан 222 тага етди. Бакалавриатга қабул квоталари 5 баробар оширилди. Натижада олий таълимга қамров аввалги 9 фоиздан 47,7 фоизга кўпайди. Мактаб битирувчиларига ОТМга киришда бир йўла 5 та олий таълим муассасасини танлаш имконияти яратилди. Таълим соҳасида мажбурий меҳнатга жалб этиш ҳолатлариغا чек қўйилди.

Камбағаллиқни қисқартириш, аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш, йўл қурилиши, қулай

тадбиркорлик муҳити, давлат хизматлари кўрсатиши... Очиғи, юртимиздаги ислохотлар самараси ҳақида ҳар қайси йўналиш бўйича жуда узоқ гапириш мумкин. Бунинг айниқса, узоқ йиллар шу юрtdа яшаб, фуқаролиги бўлмаган, инсонпарвар сиеят туфайли бугун бу бахтга мушарраф бўлганлар, дунёнинг турли уруш ўчоқларидан Ватанга олиб келинганлар, ижтимоий ҳимояга муҳтожликдан бугун тadbиркорга айланаётганлар, олийгоҳларда имтиёзли таълим олаётган хотин-қизларимиз яхши англайди, албатта.

Қисқа даврда мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажми тарихий кўрсаткич — 121,4 миллиард доллардан ошди. Ўз навбатида, экспорт ва хорижий инвестициялар ҳажми икки-уч баробар ўсди. Бунинг натижасида аҳолининг харид қобилияти ва ўртача ойлик иш ҳақи миқдори қарийб икки баробарга кўтарилди.

Аслида, эришилган натижаларнинг ўзи — энг яхши кўзгудир. Аҳамиятлиси, юз бераётган ижобий ўзгаришларни ҳар бир юртдошимиз ўз ҳаёти мисолида ҳис этмоқда. Энг муҳими, аҳолида шукроналик ҳисси ортиб, ўзи ва оиласи, фарзандларининг эртанги ёруғ кунига мустақкам ишонч пайдо бўлди.

Юқоридагилар — Президентимизнинг Самарқанд вилоятига ташрифидан тўлиққилиб битилган сафлардир. Биз — кесалар, нурунийлар давлатимиз раҳбарига барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар жараёнида камарбаста бўлиб, олдимизга қўйган устувор вазифаларни бажаришга астойдил ҳаракат қиламиз. Маҳаллаларда қадим қадриятларни тиклаш, ёшлар таълим-тарбияси, оилалар мустақамлигини таъминлаш, умуман, ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида ўзгаришлар қилишга бор куч-қувватимизни, тажрибамизни сафарбар этамиз.

••••• ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон — Корея: ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Ташриф доирасида Миграция агентлигининг Корея Республикасидаги ваколатхонаси раҳбари Нурматжон Комилов билан учрашув ўтказилди. Музокаралар давомида Корея давлатига ишлаш ва таълим олиш учун бора-

ётган ўзбекистонлик фуқароларга яратилган шароитлар хусусида сўз юритилиб, уларни "маҳалла еттилиги" кўмагида ўқув курслари-га жалб этиш масалалари таъкидланди. Шу билан бирга, аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида Корея давлатидаги иш берувчи ташкилотлар вакиллари ҳамда хоразмлик фуқаролар билан тўғридан-тўғри онлайн мулоқот ўтказиш тўғрисида келишиб олинди.

Делегация аъзолари, шунингдек, Кореяга бошқа давлатлардан келувчи фуқароларнинг ҳаётга мослашиши ва кўникмасини ошириш, ўз ўрнини топишларида кўмаклашувчи "Seul global center" раҳбари Квён Боген хоним билан учрашув ўтказиб, бу борада ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Делегация вакиллари Сеул шаҳар ҳокимлиги Хорижий миграция масалалари бўйича департаменти раҳбари Лим Жаи Геун ҳамда Инчхон шаҳар ҳокимлиги Халқаро алоқалар бюроси Бош директори жаноб Ким Ёунгсин билан учрашув ўтказди.

Мулоқот чоғида департамент раҳбари Лим Жаи Геун жорий йил июль ойида Ўзбекистонга ташриф буюргани, юртимизда барча соҳаларда қатта ўзгаришлар бўлаётганини кузатганини алоҳида эътироф этиб, камбағаллиқни қисқартириш бўйича олиб борилаётган ислохотларни юксак баҳолади. Инчхон шаҳар ҳокимлиги масъуллари билан шаҳарда тadbиркорлик, бизнес ва саноат зоналарини ривожлантириш борасида фикр алмашилди.

••••• ТАҚДИМОТ

9 008 ТА МАҲАЛЛАДА АҲОЛИ РЎЙХАТГА ОЛИНАДИ

Ўзбекистонда 1989 йилдан кейин илк бор умуммиллий рўйхатга олиш ўтказилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевга 27 ноябрь куни тақдимот қилинган Миллий статистика кўмитасининг ҳисоботида аҳолини рўйхатга олиш ишларига тайёргарлик масалалари муҳокама қилинди. Айтиш керакки, ҳозиргача 9 008 та маҳалла бўйича ташкилий режалар тасдиқланди, рўйхатга олишда иштирок этувчи 60 минг нафардан зиёд "маҳалла еттилиги" вакиллари ва масъул ходимлар учун махсус ўқув курслари ўтказилди.

Рўйхатга олиш электрон шаклда — махсус портал орқали ўтказилади. Маълумотларни порталга рўйхатга олувчилар уйма-уй юриб, пиланшет қурилмалари ёрдамида киритади. Жараёнлар геохаборот тизими орқали назорат қилиб борилади. Бунинг учун рўйхатга олинадиган хонадонлар ва тураржойларнинг геомаңзиллари шакллантирилган.



Давлатимиз раҳбари ҳудудларда бу борадаги ишларнинг тайёргарлик ҳолати билан танишиб, муҳим кўрсатилар берди. Хусусан, рўйхатга олиш жараёнида янада такомиллаштириш йўллари, жумладан, рақамли платформалардан фойдаланиш кўникмаларини ошириш, хорижга ишлаш, ўқиш ёки хизмат сафарига кетган фуқароларни рўйхатга олиш, уйма-уй ва онлайн тўпланган маълумотларни интеграция қилиш бўйича аниқ ечимлар ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди.



Шахмат бўйича
Жаҳон кубоги соҳиби
ЖАВОҲИР СИНДАРОВ
“Ўзбекистон
Республикасида хизмат
кўрсатган спортчи”
фахрий унвони
билан тақдирланди.



Давлатимиз раҳбари
Олимпия шаҳарчасидаги
стадионда **ПРЕЗИДЕНТ**
ОЛИМПИАДАСИНING
тантанали очилиш
маросимида иштирок
этди.



Президент
Шавкат Мирзиёев
Ўзбекистон Республикаси
МИЛЛИЙ СТАТИСТИКА
ҚЎМИТАСИНING
ҲИСОБОТИ билан
танишди.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ БУВАЙДА ТУМАНИ:

5 СОТИХЛИ ИССИҚХОНА ДАРОМАДИ — 300 МИЛЛИОН!

■ ИБРАТ

Бир мавсумда 5 сотихли иссиқхонада 300 миллион сўм даромад топиш мумкин, десам шунингасиз. Лекин бу ҳақиқат. Маҳалламизда яшовчи Орифжон Сатторов ўз хонадонида замонавий иссиқхона барпо қилиб, бунинг ўлдасидан чиқди. Ўзи ва рафиқасидан ташқари, яна 5 нафар аҳолини иш билан таъминлади. Гидропоника усулида қўлқўнай ва қўқатлар еттиштириб, йилга 300 миллион сўм фойда олмақда.



Абдуманнон ИМОВОВ,
Бувайда туманидаги
“Тепалик” маҳалласи раиси.

Тўғри, дастлабки йил осон кечмади. Қизиқиш билан бошланган иш аниқ мақсадга айланиши учун маблағ керак эди. “Маҳалла еттилиги” тавсияси билан унга 100 миллион сўм имтиёзли кредит берилди. 1 сотихли иссиқхона 5 сотихга кенгайди. Энг муҳими, замонавий усулда маҳсулот етиштириш йўлга қўйилди. Яқин истиқболда қўлқўнай етиштириш маҳалланинг асосий “драйвери”га айланади. Бунинг учун Орифжон Сатторовнинг тажрибаси асосида янги йўналишни жадал ривожлантириш устида иш олиб борилмоқда. Жумладан, жорий йилда 45 та истиқболли лойиҳа ишлаб чиқилиб, уларни амалга ошириш учун 6 миллиард 750 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Ҳозирги вақтда маҳалладаги 927 та оилда 4 312 нафар аҳоли истиқомат қилади. “Ўсиш нукта”миз — деҳқончилик ва чорвачилик.

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?



УЙ ШАРОИТИДА БЕКОР ЮРГАН ОДАМ, БЎШ ҚОЛГАН ТОМОРҚА ЙЎҚ

Туман аҳолисининг салмоқли қисми бобомерос касб – ёғоч ўймакорлиги, дурадгорлик, темирчилик, эшик-ром, турли мебель жиҳозлари тайёрлаш билан шуғулланади. Сўнгги йилларда мебелчилик “драйвер” соҳага айланиб бормоқда.

■ Бахромжон ИМОМАЛИЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмаси Бувайда тумани
бўлими бошлиғи.

“Чўнбоғиш” маҳалласидаги 850 та хонадонда 5 минг 386 нафар аҳоли истиқомат қилади. 400 дан ортиқ хонадон эшик-ром тайёрлашга ихтисослашган. 1 011 та хонадон эгаси, асосан, ёғочни қайта ишлаш билан шуғулланади. Маҳалла ҳудудидаги 13,6 гектар майдонда саноат зонаси ташкил этилган. Мисол учун, Баҳодир Набижонов ўз уйида 35 та домий иш ўрни яратган. Маъмиржон Қўрғонов ўнга ақин маҳалладошларини ишли қилган.

“Пишағар” маҳалласида ҳам 200 дан ортиқ оила соҳиблари мазкур йўналишда банд. Бундан ташқари, “Кўнғирот”, “Уртақўнғирот”, “Пишағар”, “Понсод”, “Кортепа”, “Беклар”, “Янгиқошлоқ”, “Қўрғонча” маҳаллалари ҳам мебелчиликка ихтисослашган. Мингдан ортиқ хонадонда 4 минг нафардан зиёд фуқаро уй шароитида иш билан таъминланган.

“Устоз-шоғирд” аънаси асосида 1 200 нафар ёшга хунар сирлари ўргатилмоқда.

“Тепалик” маҳалласида яшовчи Ғиёсжон Мамадвалиев уйда тикувчилик тармоғини ташкил қилган. Бу корхонада 60 нафар маҳалла аёллари ишли бўлди. “Урганжи” маҳалласидаги бўш турган бинода “Муҳаммаджонов Аслиддин” оилавий корхонаси пойабзал ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиб, 80 та иш ўрни яратди.

Томорқа — ишнинг кўзини билган инсонга катта бойлик манбаа. Бу фикр исботини “Найман” маҳалласидаги хонадонлар мисолида кўриш мумкин. Аҳоли шу иш ортидан йилига 100-150 миллион сўм даромад топтоқда. Деярли 70 фоиз хонадонда ҳеч қандай энергия сарфланмайдиган иссиқхона бор. Меҳнат ортидан келган моддий манфаатдорлиқни кўрган бошқа фуқаролар ҳам ҳаракатга тушиб қолган. Чунки улар томорқага меҳр берса, жавоби қуруқ бўлмаслигини англаб етди. Шу боис маҳаллага моддий ёрдам эмас, ер сўраб келишмоқда. Бекор юрган одам, бўш қолган томорқа йўқ. Йилнинг тўрт фаслида қафдек ери-

дан унумли фойдаланаётган томорқачилар сафи кундан-кунга ортмоқда.

Ижтимоий ҳимоя соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар маҳалла даражасига туширилгани инсон қадрини улуғлашга хизмат қилмоқда. Илгари ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонлар муаммоси билан ёлғиз ўзи курашган бўлса, энди ишончли ва кучли тизим борлигини ҳис этмоқда. “Маҳалла еттилиги”, фол фуқаролар кўмағида ҳаётини изга солмоқда.

“Янгиқошлоқ” маҳалласи раиси ва “еттилик” ходимлари кўмағи билан ана шундай меҳрга, эътиборга муҳтож Собира Назирова уйли бўлди. Фарзанди ва унинг отасига ёлғиз қаровчи ва боқувчи бўлган аёлга маҳалла раисининг ташаббуси билан янги уй қуриб берилди.

Бундай савобли иш “Шўр” маҳалласида ҳам давом этди. Худудда яшовчи 4 нафар фарзанднинг ёлғиз онаси Вазира Болтабоева “еттилик” кўмағида янги уйга кўчиб ўтди. Қолаверса, унга имтиёзли кредит асосида иккита тикув машинаси берилди. Натижада аёл ўзи ва қизларининг бандлигини таъминлади.

Бир сўз билан айтганда, ўзгаришлар ҳар бир оила фаровонлигига, мустақамлигига хизмат қилиб, маҳалла — муаммолар эмас, ислохотлар марказига айланиб бормоқда.

“MAHALLA” — БЕМИННАТ ТАРҒИБОТЧИ

■ “МЕН ОБУНА
БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?”



Садбарой АБДУЛЛАЕВА,
Бувайда туманидаги
“Ойимқишлоқ” маҳалласи
раиси:

— Бугун ижтимоий тармоқ ривожланиб, ахборот олишининг турли воситалари пайдо бўлди. Лекин уларнинг ҳеч бири босма оммавий ахборот воситаларининг ўрнини боса олмайди.

Маҳалла тизимида ишлаганим учун тармоқ наشري — “Mahalla” газетасига обуна бўлганман. Сеvimли нашримдан фаолиятимга доир маълумотлар олиш билан бирга, тажрибамни, малакамни ошириб бораётман. Чунки чоп этилган ҳар бир мақола ёки хабар муҳаррир чиғирғидан ўтади, таҳлил қилинади, мусаллаҳ хатолар устида ишлайди. Иккинчидан, босма нашрлар — жонли тарих. Уларда ўз даврининг нафаси сезилиб туради. Йиллар ўтса ҳам, у орқали ўтмиш ҳақида билиб оламиз.

Газетани нафақат “еттилик” ходимлари, балки фуқаролар ҳам севиб ўқийди. “Оталар чойхонаси”да кекса нуронийлар учун мўталаа бурчаги ташкил этганмиз. У ерда газета тахлами сақланади. Одамлар мақолалардан куч олиб, янги ташаббуслар билан чиқишмоқда.

Бир сўз билан айтганда, “Mahalla” газетаси — тизим ойнаси, тарбияotchиси ва “еттилик”нинг энг яқин ҳамкоридир. Шу боис барча ҳамкасбларимга сеvimли газетамизга обуна бўлишни тавсия этаман.

МАНЗАРА

“Драйвер”имиз ҳунардан саноатга айланди

Қарийб 14 йилдан бери маҳалла тизимида ишлайман. Жорий йил бўлиб ўтган маҳалла раислари сайловолди учрашувларида, айрим сайловчилар “ҳамма иши битгунча ваъда беради, барибир бажарилмайди” дея ишончсизлик билдирганди. Бу гап менга жуда қаттиқ таъсир қилди. Сайловда энг кўп овоз билан лавозимга ўтиргач, шу эътироз миямда айланаверди.

■ Гулнора ЭРҒАШЕВА,
Бувайда туманидаги
“Янгиқошлоқ” маҳалласи раиси.

Илк кунданоқ, режаларимни амалга оширишга киришдим. Аввало, инфратузилмани яхшилашга интилдим. Бир йил ичида йўл, ичимлик сув, электр таъминотидаги муаммолар деярли ҳал этилди. Шу билан бирга,

ишсизлик, камбағалликни қисқартириш бош мақсадга айланди. Бунинг учун “Ўсиш нукта” — темирчиликни ҳунардан саноат даражасига олиб чиқишга бел боғладик. Дарҳақиқат, худудда 5 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилса, 400 га яқин хонадон кетмон, болта, пичоқ каби рўзғор учун зарур бўлган маҳсулотлар ясаш билан шуғулланади.

Муҳсинжон Турғунов пичоқчилик йўналишида ном чиқарган. Дастлаб хонадонида акаси билан иш бошлаган. Буюртмалар ортгач, 10 нафар тендошини ёнига олиб, пичоқчилик устaxonаси ташкил этди. Ҳозирда ойига 200 та пичоқ ишлаб чиқаради.

Бу каби ҳунарамандлардан бири — Хуршидбек Каримов. У ҳам хонадонда кетмон, болта ясаш орқали яхши даромад топяпти. 5 та иш ўрни яратган бўлса, яна 50 нафар темирчининг касаначилик асосида бандлигини таъминлаган. Ойига 20 минг дона маҳсулот ишлаб чиқаришга эришяпти.

Жорий йил маҳаллада темирчиликка ихтисослашган саноат ҳудуди ташкил этилди. Бу ерда уста тадбиркорлар ўз ишлаб чиқариш корхонасига эга бўлди. “Драйвер”имиз саноатга айланди.



Аслида ҳам,
ўтган давр билан
солиштирганда,
соҳада катта
ўзгаришларни
кузатиш мумкин.
Муҳими, бу
ислохотлар одамлар
ҳаётида акс этмоқда.

Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.



Якка тартибда ўқитиладиган ўқувчиларга дарс берганлик учун БХМнинг бир баравари миқдорида ЙЎЛ КОМПЕНСАЦИЯСИ тўланади.



ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИГА КЎРА, амалда ўз аҳамияти ва долзарблигини йўқотган 800 га яқин қонунчилик ҳужжатлари бекор қилинади.



Давлатимиз раҳбари қарорига кўра, ЎЗБЕК-ФРАНЦУЗ УНИВЕРСИТЕТИ ташкил этилади.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ МИРИШКОР ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Тажрибалар янги “ўсиш нуқталари”ни кенгайтирди

Бугун юртимизни кезиб, маҳаллаларда бўлсангиз, деярли ҳар бир кўчада қури-лиш қилаётган хонадонларга кўзингиз тушади. Янгидан-янги иншоотлар, кўп қаватли тураржой бинолари, янги йўл ва кўприклар қуриляётгани, сув ва электр тармоқлари торти-ляётганига гувоҳ бўласиз.

Азамат ВАКИЛОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Миришкор тумани бўлими бошлиғи.

Бу, албатта, халқнинг фаровон турмуш кечириш истаги билан бирга, иқтисодий имконияти кенгаётгани, ўз навбатида, давлатнинг янги истиқболли лойиҳаларни амалга оширишда салоҳияти ортаётганидан далолат беради.

Бу жараёнлар Миришкор тумани маҳаллаларида ҳам ўз аксини топапти. Хусусан, “Янги Миришкор” маҳалласида кўп қаватли тураржойлар қурилиб, “Тинчлик”, “Барҳаёт”, “Гулбод”, “Янгикишлоқ”, “Помук” ва “Баҳористон” маҳаллаларининг ички



кўчаларида ободонлаштириш ишлари изчил давом этапти. Шунингдек, Помук шаҳарчасининг инфратузилмаси янгиланиб, тадбиркорлик ривожланыпти. Бу ерда замонавий тўй ва маросимлар ўтказиш мажмуаси, савдо ҳамда маиший хизмат кўрса-

тиш объектлари барпо этилмоқда.

Йиғинларнинг обод бўлишида Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси муҳим аҳамият касб этапти. Масалан, жорий йилда унинг маблағлари ҳисобидан маҳаллаларга қуёш панелли

тунги ёритиш чироклари, компьютер ва мебель жамланмалари ҳамда ҳаво совиткич олиб берилди. 3 та маҳаллага қуёш панели қўйилди, 14 тасига замонавий видеокузатув қурилмаси ўрнатилди. Шунингдек, 8 та маҳалладаги кам таъминланган фуқаролар-



Яна бир янгилик — туманда “Smart hudud” концепцияси ишлаб чиқил-япти. Ушбу концепция асосида туман инфратузилмаси замонавий талабларга мос тарзда ривожлантирилади.

нинг турар жойлари таъмирланди.

Маҳаллаларда ҳар ҳафтанинг шанба куни оммавий халқ қабуллари ўтказиш анъанага айланган. Унда туман ҳокими бошчилигида барча ташкилот раҳбарлари иштирок этиб, фуқароларнинг ижтимоий соҳа, коммунал хизмат, ер ажратиш, бандлик ва бошқа йўналишларга оид муурожаатлари тингланиб, атрофича ҳал этиляпти. Шунингдек, “хонадонбай” ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳолати ўрганилиб, давлат томонидан кафолатланган хизматлар кўрсатилмоқда.

Масалан, оғир касалликка чалинган Пўлат Қурбонов “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан даволаниб, уй-жойи ҳам таъмирлаб берилляпти. Иситиш мавсуми муносабати билан бир марталик моддий ёрдам ҳам етказилди.

Туманда қорвачилик ва деҳқончиликдан ташқари, савдо-сотиқ, ишлаб чиқариш ҳамда куркачилик, беданачилик кенг ривожланган. Эндиликда аҳоли хонадонларида экспортбон қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш, ёшларни касб, тил ва “IT” технологияларга ўргатиш маркази, хизмат кўрсатиш ва сервис масканларини кўпайтиришни режалаштиряпмиз. Бу борада яқинда Сурхондарё вилояти тажрибаларини ўрганиб қайдик.

●●●●● ХУШХАБАР

ЯНГИЧА ЁНДАШУВ ОДАМЛАР ДУНЁҚАРАШИНИ ЎЗГАРТИРДИ

Бугун маҳаллалар энг қайноқ масканга айланди. Бу ерда ҳар жабҳада ишлар қизғин давом этапти. Кимдир кузги ҳосилни йиғиб оляпти, кимдир даромаддан янги иморат қурапти, яна кимдир бизнесини кенгайтиряпти.



Муҳиддин АЗИЗОВ,
Миришкор туманидаги
“Зафар” маҳалласи раиси.

Сўнги йилларда маҳалла институти ислоҳ қилиниб, халқ ҳаётига яқин, самарали тизимга айлантирилгач, барча соҳаларда ишлар жадал бошланди. Хусусан, аҳолининг ичимлик сув, электр энергия ва газ таъминоти яхшиланди, ички йўллар асфальтланди, тунги ёриткич ва видеокузатув қурилмалари ўрнатилиб, маҳалла хавфсизлиги таъминланяпти. Уч километр пиёдалар йўли, олти километр “Саломатлик йўли” ташкил этилди.



Маҳаллаларда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида одамлар турмуш тарзи, дунёқараши ўзгарди. Бугун улар олдингидек фақат фермер ҳўжаликлари дала-ларида банд бўлгани йўқ, балки томорқасидан самарали фойдаланиб, тўрт-беш баравар кўп даромад топяпти.

Беш юздан ортиқ хонадон эгалари ўз томорқаларида помидор, исмалоқ, кўк пиёз, саримсоқпиёз, кашанич, укроп, петрушка каби турли қўқатлар экиб, рўзгоридан ортганини сотишяпти.

Холмурод Бобомуродов томорқасида исмалоқ ва саримсоқпиёз етиштириб, бўрдоқчилик билан ҳам шуғулланыпти. Ҳозир унинг унга яқин буқалари бор. Маҳаллада Холмуроддан ташқари, Тождин Хайдаров, Мусулмон Қўқоров сингари юзга яқин хонадон эгалари аҳолини сифатли гўшт билан таъминлаш учун 20 бошгача қорамол боқишяпти. Яна юзга яқин хонадонда соғин сигирлар бўлиб, улар ҳар куни 600 литргача сут сотишади.

Албатта, бу ишларда “маҳалла етилиги”нинг ҳиссаси катта. Улар аҳоли ўртасида мавжуд имтиёз ва имкониятлар ҳақида тарғибот ишларини олиб бориб, ишсиз фуқароларни даромадли қилишга кўмаклашяпти. Натижада деҳқончилик ва қорвачиликдан ташқари, савдо-сотиқ ривожланди, яна кимдир куркачилик, асаларичилик, новвойчилик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш билан шуғулланыпти.

Хуллас, бугун бўш одамнинг ўзи йўқ, ҳамма даромадли ишлар билан банд. Даромадга кирган фуқароларнинг эса яшаш шароити, турмуш тарзи ўзгаряпти. Янги иморатлар қуриб, автоулов оляпти, фарзандини ўқитяпти. Саховатпеша тадбиркорлар маҳалласига ҳомилийк ёрдами кўрсатяпти.

Қатъий ишонч, ҳалол меҳнат тўқис даромад топишда омил бўляпти

Қишлоқ шароитида деярли ҳамма сигир, буқа, қўй, эчки, товуқ ва курка боқишади. Бироқ барчаси ҳам уларни даромад манбаига айлантиролмайдди. Улуғой Раимова эса куркани фақат рўзгор эҳтиёжи учун эмас, балки даромадли соҳага айлантирди.

Обиджон КАРИМОВ,
Миришкор туманидаги
“Ободон” маҳалласи раиси.

Гап шундаки, Улуғой ишсиз сифатида дастлаб “Аёллар дафтари”га рўйхатга олинган. Сўнг тақдим этилган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ўзини ўзи банд қилиб, кичик тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. Дастлаб у 100 дона курка ҳўжа парваришлаш-



ни бошлади. Семириб етилган куркаларни сотиб, яна 200 та олди. 2023 йилнинг ўзига уларнинг сонини 400 тага етказиб, 100 миллион сўм даромадга эга бўлди. Бугунга келиб куркаларнинг сони 600 тага етди.

Курка — жуда баракали парранда. Улуғой ушбу парранда ортидан нафақат ўз оиласига,

балки бошқаларга ҳам фойда келтиряпти. У кам таъминланган 20 та оилага 50 тагача курка ҳўжасидан бериб, уларни ҳам тадбиркорликка йўналтирмоқда.

“Маҳалла етилиги” тизими йўлга қўйилгач, аҳолига баликнинг ўзини эмас, балки қармоқ берилиб, баликни қандай тутиш



Аввал Зариповлар оиласининг даромадли иши йўқ эди. Кейинчалик оила бошлиғи Эрназар Зарипов “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида имтиёзли кредит олиб, оилавий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди.

Ҳозир ўзи бошчилигида турмуш ўртоғи, тўрт ўғли ва келинларидан иборат 25 киши нон, турли хил ширинликлар, аёллар ки-йимлари ва гишт ишлаб чиқариш жараёнларида банд.

Тадбиркорлик йўналишида берилган имкониятлар натижа-сида маҳалланинг ўзига иккита мебель ишлаб чиқариш цехи иш бошлади. Қўлида хунари бор, лекин бирор иш бошлаш учун етарли маблағига эга бўлмаган Фитрат Чўлливев ҳам ҳо-ким ёрдамчиси тавсияси билан имтиёзли кредит олиб, мебель ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ҳозир ўзи билан бирга, яна тўрт нафар ёш доимий даромад манбаига эга бўлди.

Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Рустам
ЮСПОВ
тайёрлади.



●●●●● “МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?”

“Mahalla”ни ўқишга ҳамиша вақт топилади”



Жамол БЕРДИЕВ,
Миришкор туманидаги
“Янги Миришкор”
маҳалласи раиси:

— Бугун одамларнинг маҳаллага бўлган ишончи ҳар қачонгидан-да ошиди. Чунки фуқароларнинг ҳар бир масаласи маҳаллада ҳал бўляпти. Албатта, бу — Президентимизнинг маҳаллаларга қаратаётган эътибори натижа-сидир.

Бу жараёнда “маҳалла етилиги”нинг ҳиссаси катта бўляпти. Улар ўз йўналишлари бўйича ҳар бир хонадонга кириб, муаммолари масалаларга ечим топяпти. Масалан, “Янги Миришкор” маҳалласида “еттилик” аъзоларининг саъй-ҳаракати билан кам-бағаллик даражаси 11 фоиз-

дан 5 фоизга тушди. Мақсадимиз — йиғинни обод қилиб, фуқароларнинг фаровон яшашига муносиб ҳисса қўишдир.

Бир йилдирки, “Mahalla” газетасини мунтазам кузатиб бораман. Унда ибратли маҳаллаларнинг иш тажрибаларини ўрган-япман. Албатта, ишимиз кўп, вақтимиз кам, лекин “Mahalla” газетаси баъзи нашрларга ўхшаб зерикар-ли эмас, ўқишга, варақлаш-га арзийдиган нашр.

Келгуси йилда ҳам “Mahalla” газетаси ва “Mahalla ko'zusi” журнали-га ҳамроҳ бўлиш учун обуна бўлдим.



Янги тартибга асосан, алимент тўловчилар СУҒУРТА ПОЛИСИ ОРҚАЛИ чет давлатга бориб келиши мумкин бўлади.



Президент фармонида кўра, “ENTERPRISE UZBEKISTAN” РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР МАРКАЗИ фаолияти ташкил этилади.



Якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар учун ХИСОБОТНИНГ СОДДАЛАШТИРИЛГАН ШАКЛИ жорий қилинади.

Mahalla

№96 | 2025 йил 29 НОЯБРЬ, ШАНБА

5

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
АМУДАРЁ
ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

МЕХР-ОҚИБАТЛИ БЎЛМОҚ ВА САХОВАТ КЎРСАТМОҚ — ИНСОНИЙЛИК ФАЗИЛАТИДИР



Туманимиздаги “Намуна” маҳалласида турли миллат вакиллари ўзаро аҳил-иноқликда яшаб, меҳнат қилишади. Яхши ва ёмон кунда бир-бирининг мушкуллари осон, оғирини енгил қилиб яшаш, миллий-маънавий анъана ва урф-одатларни асраб-авайлаш, бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатиш ва саховатпешалик уларга бобомерос қадрият ҳисобланади.

Алишер ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Амударё тумани бўлими бошлиғи.

Маҳалла ижтимоий ходими Наврўзбек Сафаров ва “еттилик” вакиллари ўзаро ҳамкорлиги натижасида уйма-уй юриб, аҳолининг ҳаёт тарзи ўрганилганида, 12 тоифадаги фуқаролар 100 хилдан ортиқ ижтимоий хизматга муҳтожлиги аниқланди.

Айниқса, ўзгалар парваришига муҳтож, ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган фуқаролар ҳолидан хабар олиш, уларни қўллаб-қувватлаш, ҳаёт неъматларидан баҳраманд яшашларини таъминлаш нафақат ижтимоий ходим, балки ҳар бир намуналикнинг инсонийлик бурчига айланган.

Ўтган давр мобайнида 8 нафар ногиронлиги бўлган шахсга протез-ортопедия мосламалари ҳамда реабилитация қилишнинг техник воситалари олиб берилди. 10 нафар ногиронлиги бўлган, лекин ўзига яраша иш билан таъминланиш истагидаги фуқароларнинг имкониятлари ўрганилиб, барқарор даромадли ишларга жалб этилди.

Маҳаллада яшовчи Севара Жуманиёзованинг хонадони “Камбағал оилалар рестри”га киритилган эди. Унинг ўзи II гуруҳ ногирони. Хизмат кўрсатиш доирасида аёлнинг турмуш ўртоғи мавсумий ишларга жалб этилиб, фарзандларининг муносиб таълим олиши учун шароит яратилди. Шунингдек, оила уйда қараб туриш хизмати билан таъминланди.



Тошпёв овул фуқаролар йиғини ижтимоий ходими Мавлуда Қаландарова ўз фаолиятини бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай, у ўз хизмат вазифасини бажариш жараёнида самимийлиги, ҳар бир ишга масъулият билан ёндашиши, кишлоқ аҳолиси ҳаётига доир муаммоларни ҳал этишдаги фидойилиги туфайли қисқа вақт ичида тошпёвликларнинг ҳурмат ва эътиборини қозонишга улғурди.

Йил бошдан бери 8 нафар имконияти чекланган фуқаро ўзига муносиб иш билан таъминланди. Яна 8 нафар имконияти чекланган шахс адаптив спорт гуруҳларига йўналтирилди ва 6 нафари тиббий-ижтимоий экспертиза комиссиясининг хулосалари асосида параспортга жалб этилди.

“Қорамон” маҳалласида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида маҳаллада амалга оширилган аниқ ишларга тўхталадиган бўлсак, эътиборга молик натижаларни кўриш мумкин. Хусусан, “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ва маҳалладаги ижтимоий ходим саъй-ҳаракати билан ўзгалар парваришига муҳтож бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш бўйича муҳим қадамлар ташланди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож, 80 ёшга тўлган кексалар ҳамда I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга қараб туриш учун 12 нафар фуқарога далолатномалар расмийлаштириб берилди. Бу нафақат кекса ва бемор инсонга доимий ғамхўрликни таъминлайди, балки унга қаровчи шахснинг, яъни фарзанди ёки бошқа яқинининг меҳнат стажи юритилишига ва бандлиги таъминланишига қонуний асос яратди.

Шунингдек, аҳолининг иқтисодий ҳолатини барқарорлаштириш, қиш мавсумини беталофат ўтказишга кўмаклашиш мақсадида давлат томонидан берилётган имтиёزلардан самарали фойдаланишга кўмаклашилмоқда. Жорий йилги куз-киш мавсумида коммунал тўловлар харажатларини қоплаш учун 298 та эҳтиёжманд оиллага бир марталик компенсация пуллари берилди. Бу ёрдам кўллаб хонадонларга илиқлик ва барака олиб кирди десак, муболаға бўлмайдди. Амударёнинг чекка овулидаги бу хайрли ишлар мамлакатимизда олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг амалдаги ифодасидир.

Маҳалла тизимида иш бошлаган вақтимда пандемия аини авжига чиққан палла эди. Одамлар уйдан кўчага чиқа олмас, айниқса, мавсумий даромад топадиганлар моддий жиҳатдан танг аҳволга тушиб қолганди.

Отамурод ЮСУПОВ,
Амударё туманидаги
Дўрмон овул фуқаролар йиғини раиси.

Бу мен учун ҳақиқий синов даври бўлди. Ночор аҳволга тушганларни қўллаб-қувватлаш, қийинчиликларни халқ билан бирга енгиб ўтиш асносида жуда кўп нарсаларни ўргандик. Таҳликали кунлар бўлишига қарамай, ҳудудимиздаги бўш ётган майдонда иккита кўп қаватли уй қурилишини бошладик. Бу билан эркакларнинг оз бўлса-да, пул топишига шароит яратиб берилди. Хотин-қизларни эса пилла қурти боқишга жалб қилдик. Меҳнат билан овора бўлган фуқаролар синовларни осон енгиб ўтишди.

Мана, бугун соғлиқ ва тинчлик ҳукмрон бўлган замонда умргузаронлик қилляпмиз. Ислохотлар изчил давом эттириляпти. Шу кунга қадар хотин-қизларнинг кўпчилиги қўшни Хоразм вилоятидаги иссиқхоналарда кунлик ишлаб, даромад топиб келаётган эди. Уларнинг иштиёқини кўриб, меҳнат қилиши учун қулай муҳит яратиб бериш фикри туғилди. Фойдаланилмаётган майдонда 1 сотихли 22 та иссиқхона барпо этдик. Натижада 22 та хонадон вакили ўзини ўзи банд қилди. Деҳқонлар биринчи экин сифатида помидор, кейин бодринг ва кўкатлар етиштирди. Гарчи кичик бўлишига қарамай, ердан мўл-кўл ҳосил олишди.



Меҳнатимиз бесамар кетгани йўқ

Бундан ташқари, 5 гектар майдонга 10 минг туپ тут дарахти ўтказилди. Энди шу ерда 60-70 нафар аёлнинг бандлигини таъминлаш мақсадида ипак қурти етиштириш учун махсус бино қуриб бермоқчимиз. Мўлжалимизга кўра, барча шароитлар ҳозирлангач, марказлашган ипак қурти боқиш фабрикасида 10 тоннагача махсулот етиштиришга эришиш мумкин.

Жорий йилда кам таъминланган оила вакиллари даромад топишига кўмаклашиш мақсадида 70 та хонадонга 5 000 минг донга жуға бўлиб берилди. Орадан 7-8 ой муддат ўтиб, аҳоли уларнинг килграммини 50 минг сўмдан гушт сифатида сотишяпти. Эндilikда фуқароларга 1 000 донга туҳум қўядиган товук тарқатишни режалаштирганмиз. Улар олти ой муддатда даромад келтиришни бошлайдилар. Қолаверса, туҳум етиштириш маҳалланинг мазкур махсулотга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади.

Шукрки, қилаётган меҳнатларимиз бесамар кетаётгани йўқ. Қуни кеча туман миқёсида ўтказилган “Обод хонадон”, “Обод кўча” ва “Обод маҳалла” кўрик-танловидида ҳар уч йўналиш бўйича ғолибликни қўлга киритдик. Бу келгуси лойиҳа ва ташаббусларимиз дебодчаси бўлиши шубҳасиз.

МАНЗАРА

КИЧИК САНОАТ ХУДУДИДАГИ КАТТА МУВАФФАҚИЯТ

Маҳалламизда маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлашга асосланган, экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи махсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар сони ортиб бормоқда.

Илҳом ЮНУСОВ,
Амударё туманидаги
Алишер Навоий номидаги
маҳалла раиси.

“ОУБЕК МЕБЕЛ” масъулияти чекланган жамияти дастлаб 2021 йилда умумий қиймати 400 миллион сўм бўлган лойиҳа доирасида, банк кредитларисиз, тўлиқ ўз маблағлари ҳисобига эшик ва юмшоқ мебеллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эди. Ўша вақтда 6 та иш ўрни яратилган бўлса, бугунги кунга келиб корхона ўз ишлаб чиқариш салоҳиятини сезиларли даражада кенгайтиришга эришди. Ҳозирда корхона нафақат стандарт махсулотлар, балки аҳоли ва ташкилотларнинг буюртмаси асосида барча турдаги замонавий мебель жиҳозларини юқори сифатда тайёрлаб келмоқда. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши натижасида иш ўринлари сони 10 тадан ошиб, ёшларнинг бандлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

хона раҳбарига айланди. Айни пайтда корхонада бутун ҳудудга машҳур бўлган иситиш қозонлари ишлаб чиқарилмоқда. Ўшбу махсулотнинг афзаллиги — энергия тежамкорлиги ва юқори самарадорлигидадир. Масалан, биргина хонадон ёки иссиқхона кишининг совуқ кунларида бир кеча-кундуз давомида иситиш учун атиги 30–50 килограмм кўмир сарфланиши аҳоли учун жуда катта иқтисодий фойда демакдир.

Бундан ташқари, корхонада темир эшик ва дарвозалар, шунингдек, миллий ва замонавий услубдаги металл декоратив буюмлар ҳам тайёрланмоқда. Бу жараёнларга 10 нафар доимий ишчи жалб қилинган бўлиб, мавсумий ишлар пайтида қўшимча ходимлар ва хунар ўрганиш иштиёқидидаги ёш шоғирдлар билан бандлик қамрови янада кенгайди.

Худуднинг экспорт салоҳиятини оширишда “AL-KAFIL BIZNES PLAST” масъулияти чекланган жамиятининг ўрни алоҳида. Тадбиркор Аллаберган Эрназаров раҳбарлик қилаётган ўшбу корхона махсулотлари географияси бугунги кунда нафақат Амударё тумани ёки Қорақалпоғистон Республикаси, балки Хоразм, Навоий, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент вилоятларини ҳам қамраб олган. Корхонада бугунги кунда 15 нафарга яқин ишсиз фуқаро доимий даромад манбаига эга. Ўз фаолиятини 2019 йилда бошлаган тадбиркор қисқа вақт ичида катта натижаларга эришди. Айни пайтда жамиятга қарашли цехда аҳолининг



Яна бир эътиборга молик лойиҳа — “AMU METAL KOVKA ART” масъулияти чекланган жамияти фаолиятидир. Бу корхона тарихи ҳақиқий “Устоз-шоғирд” анъаналари ва оилавий тадбиркорлик қадриятларига асосланади. Тадбиркор Жасур Бобожонов ўз меҳнат фаолиятини отасининг ёнида, кичик устахонада оддий ишчи сифатида бошлаган эди. Тинимсиз изланиш ва тажриба орттириш натижасида бугун у йирик кор-

кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган 10 дан ортиқ турдаги, ҳар хил ҳажм ва шаклдаги пластмасса буюмлар ишлаб чиқарилмоқда.

Маҳалламиздаги кичик саноат зонасида фаолият юритаётган бу каби корхоналар туман иқтисодиётининг локомотивига айланиб, аҳоли фаровонлигини ошириш ҳамда импорт ўрнини босувчи махсулотлар ишлаб чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

ТАЖРИБА

“МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?”



“Mahalla”га
меҳримизни
берганмиз...”

Ўроғзул ЁҚУБОВА, Амударё туманидаги
“Олмазор” маҳалласи раиси:

— Муҳайё Ўринбоева турмуш ўртоғи билан бирга катта лойиҳаларни амалга ошириб келяпти. Хонадон вакиллари аввалига ром ва эшикларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Кейинчалик фаолиятини янада кенгайтириб, мебель цехини ҳам ташкил этди. Ҳозирги кунда улар маҳалламиздаги 10 нафар фуқаронинг доимий бандлигини таъминлаб келяпти.

Бундан ташқари, “Аёллар дафтари”га киритилган бир неча хотин-қизга ажратилган имтиёзли кредитлар уларнинг юқори натижаларига дебодча сифатида хизмат қилляпти. Кимдир тикувчилик, яна биров қандалот махсулотлари тайёрлаш бўйича ўз тажриба ва малакасини ошириш асносида даромад топиб келяпти.

Худудимиздаги “Нуронийлар маслаҳат гуруҳи” фаолиятига ҳам бироз тўхталиб ўтмоқчиман. Улар аҳоли онги ва маданиятини юксалтиришда “еттилик” ходимларининг асосий кўмакчисига айланган. Кексаларимиз халқ билан ўтказиладиган жонли учрашувларда тизим наشري ҳисобланган “Mahalla” газетасида чоп этилган мақолалар таҳлилга алоҳида урғу беришади. Шу орқали газета маҳалладошларимиз меҳрига сазовор бўлиб келяпти. Жорий йилда ҳам анъанавий тарзда сеvimли нашримизга обуна бўлдик.



Саҳифани
“Mahalla” мухбири
Шаҳноза
РАҲИМХУҲАЕВА
тайёрлади.



Тошкент давлат юридик университетида факультет деканларини сайлаш амалиёти йўлга қўйилади.



“ЭЛ-ЮРТ УМИДИ” ЖАМФАРМАСИ ҳисобидан мақсадли стажировка ташкил этиш тартиби белгиланди.



Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг НОРМАТИВ ҚИЙМАТИНИ АНИКЛАШ бўйича тартиб тасдқиланди.

ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ЗАНГИОТА
ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Ўзгаришлар замирида “Ўсиш нукта” устуворлик касб этяпти

ТАШАББУС

ТАШАББУСЛАР ТУФАЙЛИ БИРЛИК ВА АҲИЛЛИКНИ ТАЪМИНЛАГАНМИЗ

Бугун “маҳалла еттилиги” ҳамфикр, ҳамжиҳатликда ишлаб, фуқароларни бирлаштира, катта натижаларга эришиш мумкин. Бунинг учун имконият, ваколат, маблағ бор. Бу борада маҳалла раиси ташаббускор, йўлбошчи бўлиши керак.



Тоҳир ФАЙЗИЕВ,
Зангиота туманидаги
“Навбахор” маҳалласи раиси.

Шахсан ўзим фуқароларнинг мактаб, поликлиника ва масжидга хавфсиз йўлда бориб-келишлари учун ўз маблағларим ҳисобидан бир километр пиёдалар йўлаги қурдим. Маҳалла аҳлини бирлаштириб, ҳашар йўли билан тўртта кўчини асфальт қилдик. Эски сув қувурларини янгиладик.

Беш йилдирки, ҳар йили маҳалла ишларида энг фаол фуқаролар, кўча боши ва нурунийлар учун республикамизнинг турли ҳудудларига саёҳат уюштириб келяпман. Яқинда Хоразм вилоятига саёҳат қилдик. Масиб, кейинги йил Умра зиёратига борамиз. Бу ташаббус фуқароларни бирлаштириш билан бирга, жамоат ишларида янада фаолликка ундаяпти. Натижада ҳар бир фуқаро маҳалла ободлигига ўз ҳиссасини қўшяпти.

Кам таъминланган, ногирон, боқувчиси йўқ инсонларга давлат кўмагидан ташқари, шахсий ташаббус орқали хайрли ишларни ҳам олиб бораёпмиз. Яқинда узоқ йиллар ижарада тўрт нафар қизи билан яшаб келаётган ёлғиз онани уйли қилдик.

Мана шундай ташаббус ва бирдамлик туфайли маҳаллада камбағаллик, жиноят ва оилавий ажралишлар йўқ. Чунки аҳолининг аксарияти ўз маҳалласида – помидор, бодринг, малина ва кулупнай етиштирувчи йирик иссиқхоналарда, турли хил шоколаду ўйинчоқлар ишлаб чиқарувчи корхоналарда меҳнат қияпти. Хонадонларида эса хушбўй атиргуллару кулупнай ва бодринг етиштириб, қўшимча даромад оляпти.

Олдинда ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Ўйлаيمанки, барчасига “маҳалла еттилиги”нинг ҳамжиҳатлиги, фуқароларнинг кўмаги билан эришамиз.

“Маҳалла еттилиги” тизими жорий қилинган, маҳаллалар халқ ҳаётига яқин, самарали тизимга айланди. Эндиликда маҳаллалар халқ билан мулоқот қилишда, катта кичикни ўлантираётган ўткир масалаларга халқчил чора топишда, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда давлат идоралари учун ҳақиқий кўмакчи бўляпти. Зангиота туманидаги 60 та маҳалладаги ишлар ҳам шу тамойил асосида олиб бориляпти.



Тўлқин ХОЛИҚОВ,
Ўзбекистон
маҳаллалари уюшмаси
Зангиота тумани
бўлими бошлиғи.

Этиборлиси, кредит, субсидия, компенсация, моддий ёрдам ажратиш каби юздан зиёд хизматлар маҳалла даражасига туширилгани ҳисобида камбағаллик ва ишсизлик даражаси кескин қисқарди. Бу жараёнда маҳаллаларнинг маълум йўналишга ихтисослашуви ҳам кўмак беряпти. Масалан, “Назарбек”, “Эски қалъа”, “Олмазор”, “Аччисой” маҳаллаларида иссиқхона хўжалиги юқори даражада ривожланган бўлса, “Уриқзор”,

“Нуробод”, “Обод тўқимачи”, “Чинор”, “Балиқчи” маҳаллаларида картошқачилик, “Маданият”, “Асил”, “Уриқзор”, “Туркистон”, “Илғор” маҳаллаларида сабзавот ва полиз экинлари етиштириш бўйича ўзига хос мактаб яратилган. “Қатортол”, “Ибрат”, “Эшонгузар”, “Уртаовул”, “Урта”, “Гулбоғ”, “Боғзор” ва Амир Темури номидаги маҳаллаларда эса ишлаб чиқариш корхоналари ривожланиб, аҳоли бандлиги таъминланяпти.

Жорий йил маҳаллаларда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, “маҳалла еттилиги” ташаббуси ва фаоллиги ҳамда туман ҳокимлигининг этибори туфайли “Кўкўни”, “Янгиовул” ва “Турон” маҳаллаларининг янги бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Яна 18 та маҳаллага янги бино қуриш, мавжудларини таъмирлаш ва ренновация ишлари олиб бориш режалаштирилган. “Оғир” тоифадаги маҳаллалар рўйхатидаги “Боғзор”, “Рамадон” ва Улуғбек номидаги йиғинларда 16 километр йўл таъмирланиб, кўчалар асфальтланди. Пиёдалар йўлаклари қурилиб, кўча чироқлари ўрнатилди. Ичимлик сув тортилиб, замонавий болалар майдонлари барпо этилди. Бундан ташқари, “Балиқчи”, “Аччисой”, “Нуробод” ва “Дехқонобод” маҳаллаларида давлат дастурлари доирасида аҳоли томорқаларини суғориш тизимлари таъмирланиб, артезиан қудуқлар қазилди. Ички кўчалар асфальтланиб, электр тармоқлари созланди. Бу йил “Асил” ва “Боғзор” маҳаллалари учун янада ба-

рокатли келди. Чунки бу ерда “Замонавий маҳалла маркази” қурилиши бошланди. Ўшбу мажмуа таркибиде “маҳалла еттилиги”нинг ишлаши учун барча шароитларга эга маҳалла идораси, мини футбол майдончаси, болалар уйингоҳи, 7/24 ишлайдиган савдо дўконлари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, маҳалла боғи қурилади.

Туман аҳолисини кўп йиллар қийнаб келган муаммолардан бири, бу – “Назарбек” маҳалласи ҳудудидаги темир йўл кесшиммасидаги тирбандликлар эди. Давлатимиз раҳбарининг этибори туфайли халқимизнинг узоқ йиллар кутган орзуси рўйбега чиқди. Бу ерда туман ҳудудларини боғловчи катта кўприк қурилиб, фойдаланишга топширилди. Натижада аҳолининг туман марказига қатнашишга катта қулайлик яратилди.

Шунингдек, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш мақсадида иккита шифохона, ўнлаб корхона ва ташкилотлар, логистика марказлари, юзлаб маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга туширилди. 6000 та хонадонга мўлжалланган кўп қаватли уйлар қурилиб, ўз эгаларига топшириляпти. Бу, ўз навбатида, маҳаллалар инфраструктурасини тубдан янгилаб, аҳоли учун янада қулай шарт-шароитлар яратди.

ЖАРАЁН

“ЭСКИ ҚАЛЪА”ДАГИ ЯНГИЧА ЁНДАШУВ МАҲСУЛОТЛАР ТУРИНИ КўПАЙТИРДИ, ЭКСПОРТ ҲАЖМИНИ ОШИРДИ

Илгари бу ерларда Тошкент шахрини қўриқлаб турадиган қалъа деворлари бўлган. 2001 йил маҳаллаларни қайта номлаш жараёнида маъмур йиғинга тарихий – “Эски қалъа” номи берилди. Худудда Зангиота зиёратгоҳи жойлашган бўлиб, бу ерга келувчи зиёратчилар сони йилдан-йилга ортиб бораёпти.

Наргиза АҲМЕДОВА,
Зангиота туманидаги “Эски қалъа” маҳалласи раиси.

“Ўсиш нукта”мизнинг биринчиси, маҳалла зиёрат туризм манзилларидан бири бўлгани учун хонадонларда меҳмон уйларини кўпайтириш белгиланган. Бу борада аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилиб, хонадонларнинг қиёфасини миллий услубда сақлашга ҳаракат қилинмоқда. Ҳозир 13 та меҳмон уйи, 12 та хунараманд хонадон бор. Йиғинда зиёрат туризмини ривожлантириш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Иккинчи “Ўсиш нуктаси” – қасаначилик. 590 та хонадоннинг 370 тасида уйда ўтирган хотин-қизлар фарзанд тарбияси ва рўзгор ишларидан ортиб, буюртма асосида тикувчилик билан шуғулланади. Масалан, Рухсора Ваҳобова раҳбарлигидаги тикувчилик цехида чақалоқларнинг турли хилдаги кийим-кечаклари тикиляпти. Шу орқали йиғирмадан ортиқ хотин-қизни ишли қилган. Шукрона кўчасида яшовчи Муножат Тожиева ҳам 3 та тикув машинаси харид қилиб, тикувчилик фаолиятини йўлга қўйди. Натижада 4 нафар ишсиз хотин-қиз даромадли бўлди. Луиза Сунгатулина эса ўзи тикаётган кўрпа-тўшакларни онлайн савдо платформаси орқали сотиб, ҳафтасига 30 миллион сўмгача даромад толяпти. Мохларойим кўчасида яшовчи Наргиза Омонова адрас ва бошқа миллий матоларимиздан турли хил сумка, кўйлак, курткалар тикиб, еттига давлатга экспорт қияпти.



30 та хонадонда турли ўйинчоқ машиналар, кўйрақлар ясалади. Миллий қандолатчилик ҳамда ярим тайёр маҳсулотлар тайёрлаб, даромадли бўлаётган оилалар ҳам кўп.

Учинчиси, томорқачилик ва иссиқхоначилик. “Бир кўча – бир маҳсулот” тамойили асосида хонадонларда мавсумга қараб, турли полиз маҳсулотлари экилади. Айни пайтда 105 та хонадонда иссиқхона бўлиб, уларда, асосан, сабзавот маҳсулотлари – қизил лавлаги, салат барги, турли кўкатлар, помидор, бодринг етиштирилмоқда. Бундан ташқари, ғалла майдонларидан бўшаган ер майдонларида 100 дан ортиқ хўжалик такрорий экин сифатида кулупнай, картошка, помидор экишди.

Сўнгги “Ўсиш нукта”миз – чорвачилик. Бугунги кунда маҳалладаги 40 фойз хонадонда чорва моллари боқилади. Шу ернинг ўзида сут ва сут маҳсулотлари тайёрланади. Даромади яхши бўлгани учун чорвачилик билан шуғулланаётганлар сони ортиб бораёпти. Масалан, олдин от боқаётган Фарҳод Қосимов айни пайтда 16 бош ёш бўқа боқяпти. Энди асаларичиликни ривожлантиряпмиз.

Бу ишларнинг барчасида “маҳалла еттилиги” аъзоларининг саъй-ҳаракати, фуқароларнинг ташаббуси, жонбозлиги алоҳида ҳурмат-этиборга лойиқ. Улар халқни бирлаштиришда, ташаббускор бўлишда катта ёрдам беряпти. Хуллас, ҳар бир иш маҳалла аҳли билан бамаслаҳат ҳал этиляпти.

Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Рустам
ЮСУПОВ
тайёрлади.



“Mahalla”дан фаолият мезонларини ўрганипмиз

Атхам СОДИҚОВ,
Зангиота туманидаги Аҳмад Ясавий номидаги маҳалла раиси:



– Маҳалламизнинг асосий “драйвери” – деҳқончилик ва ишлаб чиқариш. 1 327 та хонадоннинг 40 фойзи томорқа ерларида помидор, бодринг, салат барги, атиргул ва турли хил манзарали гуллар экишади. Йирик иссиқхоналарда, асосан, помидор етиштирилиб, Россия давлатига экспорт қилинмоқда.

Пойтахтга ёндаш ҳудудда жойлашганимиз учун ишлаб чиқариш соҳаси яна бир “драйвер”имизга айланмоқда. Хозирда юздан ортиқ тадбиркорлик субъекти бўлиб, улар орасида турли хил ширинликлар, дафтар, қоғоз ва бетон ишлаб чиқараётганлари ҳам бор.

“Маҳалла еттилиги”нинг саъй-ҳаракати билан камбағаллик, ишсизлик ва оилавий ажралишларга барҳам бериляпти. Бу жараёнда аҳоли ўртасида мунтазам тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилиб, ҳар бир оилани даромадли қилиш чоралари кўриляпти.

Этиборлиси, “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириб, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширяпти, ҳудудларнинг обод бўлишига ҳисса қўшяпти. Шу номда ўтказиляётган кўрик-танлов эса маҳаллаларда намунали хонадон ва кўчаларнинг кўпайишига хизмат қияпти.

Маҳаллаларда юз бераётган мана шундай янгилик, тажриба ва лойиҳалардан хабардор бўлиш учун ҳар йили “Mahalla” газетасига обуна бўламиз.



Тошкент шаҳрида
экологик
рейдлардан сўнг
35 та объект фаолияти
10 КУНГА
ТЎХТАТИЛДИ.



Марказий
Осиё давлатлари
МУҲИМ МЕТАЛЛАР
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
ҲАБИ
яратади.



Жорий йилнинг
23 декабрь куни
Жиззахда
АЭС қурилиши
лойиҳаси бўйича
ЖАМОАТЧИЛИК
ЭШИТУВЛАРИ
ўтказилади.

Mahalla

№96 | 2025 йил 29 НОЯБРЬ, ШАНБА

7

СУРХОНДАРЁ
ВИЛОЯТИ
ЖАРҚЎРҒОН
ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Замонавий лойиҳалар илмга, меҳнатга ва талабга асосланган

МАНЗАРА

ЯНГИ ЙИЛДА ЯНГИ ИШ ЎРНИ УЧУН АНИҚ РЕЖА ВА ЧОРАМИЗ БОР

Маҳалламиз ҳудуди жуда катта. Аҳоли сони 8 074 нафарни ташкил этади. Улар, асосан, деҳқончилик, чорвачилик ва хизмат кўрсатиш соҳаларида меҳнат қилиб келмоқда. Фуқароларнинг даромад манбаларини янада кўпайтириш мақсадида кўплаб янги лойиҳаларни амалга ошириб келяпмиз.



Элмурод ОЛЛАЁРОВ,
Жарқўрғон туманидаги
“Қораёнтоқ” маҳалласи раиси.

Жорий йилда ўзини ўзи банд қилиш ҳамда тадбиркорлик бошлаш истагини билдирган 49 кишига субсидия асосида мотокультиватор, пайвандлаш ускуналари, автоювиш хизматини йўлга қўйишда керак бўладиган техник воситалар тақдим этилди. Маҳалладошларимиз билдирилган ишончни оқлаган ҳолда бугун астойдил ҳаракат қиялпти. Ўзи ва атрофдагиларнинг шароитини яхшилаб, мўмай даромад топяпти.

Шарофат опа Ҳўжамқулова жуда тиришқоқ аёл. Доим ангилик қилиш учун елиб-югуриб юради. Жорий йилда маҳалладаги бўш турган бинони ижарага олиб, тикувчилик цехини ташкил этди. Ҳозир корхонада 19 нафар аёл меҳнат қилаётган бўлса, уларнинг 12 нафари ногиронлиги бўлган фуқаро ҳисобланади. Чеварлар кўрпа, кўрпача, ёстиқ ҳамда автоуолуш ўриндиқлари учун филофлар тайёрлаб, мижозлар ишончини оқлаб келяпти. Тадбиркорни кўллаб-қувватлаш мақсадида субсидия асосида 5 та тикув машинаси олиб бердик. Шарофат опа келгусида иш қўламини янада кенгайтириб, буюртмалар сонини кўпайтирмоқчи.

Айни вақтда ҳудудимизда 142 нафар ногиронлиги бўлган фуқаро истиқомат қилади. Уларга ҳомийлар кўмаги билан ҳар икки ҳафтада керакли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилляпти. Қолаверса, меҳнатга лаёқатлилар учун янги иш ўринларини тақлиф қилдик. Мухтожларга протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари тақдим этилди.

Йил бошида “Камбағал оилалар реестри”га киритилган 32 та хонадон вакиллари билан ҳам манзилли ишлар олиб борилди. Уларнинг шароитини пухта ўрганган ҳолда керакли барча хизматлар кўрсатилди. Хусусан, бир оиллага кирганимизда, аёл ва унинг бир фарзандида ногиронлиги мав-



Маҳалладошларимиз билдирилган ишончни оқлаган ҳолда астойдил ҳаракат қиялпти. Ўзи ва атрофдагиларнинг шароитини яхшилаб, мўмай даромад топяпти.

жудлиги аниқланди. Яшаб турган уйи анча эскириб кетгани инобатга олиниб, ҳомийлар ёрдами билан тўлиқ таъмирдан чиқариб берилди. Вояга етган ўғлини ишга жойлаштирдик. Бундан ташқари, саховатпеша инсонлар ташаббуси билан уйда кичик савдо дўкони очилди кўмаклашдик. Ҳозир оила вакиллари бу ерда озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб, рўзғор тебратяпти.

Келаётган 2026 йилда маҳалламизни ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айлантиришни мақсад қилганмиз. Бунинг учун аниқ режа ва лойиҳаларимиз мавжуд. Аниқроқ айтидиган бўлса, 150 ходимга эҳтиёжи бўлган паррандачилик фабрикамизда ҳозир 100 киши меҳнат қиялпти. Яна 50 нафар ишчига эҳтиёжи бор. Шунингдек, 150 ўринли тикувчилик корхонаси ҳам бир нечта опа-сингилларимизни ишга олиш тақлифини билдирган. Кўриб турганингиздек, шароит ва имкониятлар шай, фақат ундан унумли фойдаланиш ўз қўлимизда.

БИР НАЗАР



Инсонни ҳаёт ҳар жабҳада тоблаб бораверар экан. Баъзан атрофдагиларга қараб, ўзимиздаги камчиликларни кўрсак, айрим вақтлар ютуқларимиздан хурсанд бўламиз. Шу маънода маҳалла тизими мен учун катта мактаб вазифасини ўтади. Бу ерда фаолиятимни бошлаганимдан кейин одамлар билан тўғри муомала қилишни ўргандим. Ҳалолликнинг асл моҳиятини англаб етдим. Инсонпарварлик ҳақидаги қарашларим кенгайди.

Ботир ТОҒАЙМУРОДОВ,
Жарқўрғон туманидаги
Алишер Навоий номидаги маҳалла раиси.

Мана, энди ўзимиз учун чиқарган хулосаларга таянган ҳолда халққа хизмат қиялпмиз. Уларнинг тўқин ва фаровон турмуш кечириши учун астойдил ҳаракатдамиз. 4 586 нафар аҳоли вакилининг эҳтиёж ва имкониятларини ўрганиб, кўллаб-қувватлялпмиз. Бунга жавобан маҳалладошларимиз ҳам яхши натижалари билан бизни қувонтиряпти.

Фахриддин Чориев анча йиллардан буён чорвачилик билан шуғулланиб келади. Айни вақтда фермер ҳўжалигида 70 бош қорамоли мавжуд. Тадбиркор бозорга гўшт маҳсулотини етказиб бериш бўйича етказчилардан. Бундан ташқари, соғин сигирларидан келаётган даромад рўзгорининг бир тарафини кўтаряпти. Фермада 10 нафар фуқаро учун доим иш топилади. Санобар Холмуродова қўли гул чеварларимиздан. Аввалига уйда тикувчилик қилиб, пул топган аёл жорий йилда маҳалла кўмаги билан алоҳида бинода ўз фаолиятини кенгайтирди. Ҳозирги кунда 5 нафар шоғирди билан бир-биридан бежирим либослар тикиб, халқ меҳрини қозониб келяпти. Тадбиркорга ёрдам бериш мақсадида субсидия асосида 3 та чок машинаси олиб берилди. Бу ёрдам унинг янада яхши натижаларни қўлга киритишига замин яратиши шубҳасиз.

Шунингдек, ҳудудимизда тадбиркорлар ташаббуси билан қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи, умумий овқатланиш шохобчаси ҳамда битта хусусий болалар боғчаси ўз фаолиятини бошлади. Бу билан маҳалламиздаги ишсизликка тўлиқ барҳам берилди. Аҳолига хизмат кўрсатиш қўламини ва сифати яхшиланди. Қолаверса, тадбиркорларнинг янада кўпроқ натижаларга эришишига замин ҳозирланди.

Келгуси йилда ислохотларнинг давоми сифатида бўш турган майдонда кичик сайилгоҳ барпо этишни режалаштирганмиз. Шунингдек, хусусий тиббий хизмат кўрсатиш пунктини қуриш бўйича лойиҳа ишлаб чиқиялпти. Мақсадлар ва ниятлар катта. Бу йўлда халқимизнинг бизга елкадош бўлаётгани — энг қувонарли жиҳат.

“МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗЧИ?”

“Mahalla” — мутолааси завқ, тажрибаси наф беради


Шерали ҚАЛҚОНОВ,
Жарқўрғон туманидаги “Боботот” маҳалласи раиси:

— Болалигимдан мутолаага қизиқишим бошқача. Қўлимга олган ҳар бир асардаги воқеалар ривожни ҳудди ҳаётимда рўй бераётгандек туюларди. Улғайганим сари китобнинг биз учун нақадар улкан билим манбаи эканини тушуниб бордим. Кейин бадиий асарлардан ташқари, илмий-оммабон қўлланмаларни ҳам ўқий бошладим.

Маҳалла тизимидеги фаолиятим давомида эса “Mahalla” газетаси ҳамда “Mahalla ko'zgusi” журналидан унумли фойдаланяпман. Уларда бериб борилаётган фойдали маълумотлар, тахлилий мақолалар, “еттилик” ходимларининг тажрибалари биз учун жуда керакли ва қадрли. Журналистларнинг ўзига хос ёндашуви ҳамда чуқур тахлиллар орқали биз ҳам фаолиятимизни бир қарра тафтишдан ўтказамиз. Шу боис наирларга доимий равишда обуна бўлиб келяпмиз.



Саҳифани
“Mahalla” мухбири
Шаҳноза
РАҲИМХЎҲАЕВА
тайёрлади.



МУЖИБИЛЛО ТУРСУНОВ Саудия Арабистонида бокс бўйича WBC Гран-присининг ҳал қилувчи финал босқичида иштирок этади.



ФИФА футбол бўйича **ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАСИ 2026** йилги жаҳон чемпионати қуръасида учинчи саватдан жой олишини маълум қилди.



Футбол бўйича **“Қизилқум”** — “Шўртан” учрашувини **МАМЛАКАТ ТАРИХИДА ИЛК БОР АЁЛ ҲАКАМ** — Насибабону Тошмухаммедова бошқариб боради.

“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” СОҒЛОМ ҲАЁТ ТАРҒИБОТЧИСИ!



СОҒЛИҚ

ҲАВОНИНГ МУСАФФО БЎЛМАСЛИГИ ҚАНДАЙ ХАСТАЛИКЛАРГА САБАБ БЎЛАДИ?

Бугун Ўзбекистонда, айниқса, Тошкентда ҳавонинг ифлосланиш даражаси ўта юқорилигича қолмоқда. Президент фармони билан Тошкент шаҳрида экологик вазиятни яхшилаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича махсус комиссия тузилгани вазият нечоғли жиддий эканини билдиради.

Кувонарлиси, бу ишлар мамлакатимиз бўйлаб умумҳаракатга айланмоқда. Жумладан, Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси юртимиздаги мавжуд барча 9 008 та маҳалла раислари ва фаол фуқаролар номидан мурожаат қабул қилди. Тиббиёт нуқтаи назаридан қаралса, ифлос ҳаво инсонлар саломатлигига катта хавф солади. Бир неча соат давомидида шундай муҳитда бўлиш диққатни жамлашни қийинлаштиради. Бу эса кундалик ҳаёт ва иш самарадорлигига таъсир қилиши, узоқ муддатли оқибатларга сабаб бўлиши мумкин. Юрак-қон томир ва нафас йўллари касалликларини келтириб чиқаради.

Хўш, саломатликни сақлаш учун қандай чоралар кўриш керак? Аввало, кунлик таомномага кўк чой, киви, апельсин, лимон каби цитрус мевалар, шунингдек, ёнғоқ, бодом, пистани киритиш тавсия этилади. Занжабил ўпкадаги шикастлишни камайтириб, ҳимоя тизимини мустаҳкамлайди. Кунига камида 1,5-2 литр сув ичинг. Бу — бронхларнинг тозаллиги, иммун тизимнинг мустаҳкамлиги, вирус ва бактерияларга қарши чидамлик учун энг содда, энг арзон, энг самарали чорадир. Тузли сув билан бурун ювиш шамоллаш аломатини енгиллаштиради.

Хона ёки иншоотларнинг пол ва тоқчалари, улар ичидаги буюм ҳамда ашёларни нам латта билан тозалаб туринг. Уй ёки бино ичига, атрофига сув солинган идишлар қўйиш чанг даражасини пасайтиришга хизмат қилади. Деразаларни ёпиқ ҳолда сақланг. Айниқса, кечаси ва эрта тонгда эшик ва ойналарни зичлаб ёпинг! Юқорида таъкидлаганимиздек, вазиятни яхшилаш мақсадида қабул қилинган мурожаатга кўра, “маҳалла еттилиги” зиммасига ҳам аниқ вазифалар юкланди. Хар бир ходим фаолият кўрсатиши, хонадон ва кўчаларни тоза сақлаш, фуқароларга экологияни асраш бўйича йўл-йўриқ, маслаҳатлар бериб бориши талаб этилади. Мазут, шина ёки бошқа зарарли ёқилғилар билан иссиқхона иситиб, атроф-муҳитга зарар келтираётганларга жамоатчилик асосида таъсир ўтказиши, уларга мурожаат мазмун-моҳиятини тарғиб қилиши керак. Фаолиятини қонунийлаштириш, экологияга зарарсиз омиллар билан ишлаш бўйича зарурий ёрдамларни кўрсатиши лозим.


Мусаффо ҳаво йўлида бирлашиб, жамиятимизнинг соғлом келажагини бирга яратайлик!

Феруза ТОҲИРОВА,
Саломатлик ва стратегик ривожланиш институти бошқарма бошлиғи.

ҚИЛИЧБОЗЛИК ФОЙДАЛИ ВА ХАФВСИЗ МАШҒУЛОТ

Юртимизда қадимдан қиличбозлик ор-номус, ақл ва донолик белгиси сифатида қадрланган. Чунки бу спорт тури жанговар санъатнинг мурраккаб унсурларини ўз ичига олади.

Муборак ЁҚУБОВА,
Ўзбекистон қиличбозлик федерацияси ахборот хизмати раҳбари.



БАДАНТАРБИЯ

У билан шуғулланган йигит-қизлар, аввало, соғлом, тетик бўлади. Шу сабабли бугунги кунда Ўзбекистон қиличбозлик федерацияси ушбу спортни оммалаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, халққаро мусобақаларда вакилларимиз муносиб иштирок этиши учун шароит яратишга жиддий эътибор бермоқда.

Бу спорт тури атлетик гавда тузилишидаги одамларнинг кучини тенглаштириш имконини беради. Шу билан бирга, инсоннинг ақлий ривожланишига ёрдамлашади, тезкорлик, тўғри қарор қабул қилишга ўргатади. Беҳизга интеллектуал спорт турига киритилмаган. Чунки ғалаба қозонишининг ҳал қилувчи омил — ноодатий фикр юритиш, тезкор қарор қабул қилиш ҳисобланади. Қиличбозлик билан шуғулланганлар оғир-босиқ, етти ўлчаб, бир кесувчи шахсга айланади. Ҳис-туйғуларини назорат қилишга одатланади. Махсус ҳамда умумий ишга лаёқатни ривожлантиради. Хушмуомалалик, жасурлик ва рақибга ҳурмат каби туйғулар шаклланади. Қиличбозликда мушаклар фаол ҳаракатлангани учун танага ижобий таъсир қилади. Нафас олиш ҳамда юрак

қон-томир тизими фаолиятини яхшилайдди. Ортиқча вазндан халос қилади. Қиличбозлик масофада туриб ишланадиган яккакураш бўлиб, бошқа спорт турларига нисбатан жараҳат олиш эҳтимоли кам. Шу сабабли хавфсиз, деб аталади.

Машғулотларга ўғил ва қиз болалар 9-10 ёшдан қабул қилинади. Машқ қилиш жараёнида улар қоматини тик тутишни ўрганади. Махсус нисиб остидан қараш орқали болаларнинг кўриш қобилияти яхшиланади.

Айни вақтда бу спорт турининг учта — шпага, сабля, рапира каби йўналишлари мавжуд. Шпага йўналиши билан бўйи баланд болалар шуғуллангани маъқул. Сабля ва рапира билан машқ қилиш учун эса бўй-бастнинг аҳамияти йўқ. Бунда қизиқувчиларнинг қаққонлиги, эпчиллиги муҳим.

Мамлакатимизда қиличбозликни кенг тарғиб этиш, аҳоли ўртасида янада оммалаштириш мақсадида вилоят ва туман марказларида машғулотлар ва мусобақалар ўтказиш учун халққаро талабаларга мос келадиган шароит яратилган. Лекин бу етарли эмас. Шу боис маҳаллаларда “еттилик” ходимлари бу спорт турини оммалаштириш ва иқтидорли спортчиларни кашф қилиш, уларни катта спорт майдонига олиб чиқиш учун ўз ҳудудларида шундай тўғараклар ташкил этишда ташаббускор бўлиши керак. Жумладан, мутахассислар жалб этиб, ёшлар ва катталар ўртасида мусобақалар ўтказиш мумкин.

Садриддин НАБИЖОНОВ. Чироқчи тумани:

— Турмуш ўртоғим 65 ёшда оламдан ўтди. Қариндошларимиз “йигирма”, “қирқ” маъракаларини қилинглр, деяпти. Динимизда шу маросим борми?

“Йигирма”, “қирқ” маъракалари — макруҳ амал

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:

— Шариатимизда марҳумларнинг руҳига савобини бағишлаш мақсадида маросим қилиш бор. Бу маросим “Вазима” эксонидеийлади. “Вазима” эксонини муайян кунда қилиш шарт эмас. Шундан келиб чиқиб, вафот этган кишининг вояга етган фарзандларидан кимдир ўз мулкидан, бирор кунга қайтламасдан, риёкорлик ва дабдаба қилмасдан, савоб умидида эксон қилиши жоиз. Зеро, вафот этган кишига савоби етиб бориши умид қилинади. Чунки Аҳли сунна вал-жамоага кўра, солиҳ амалларнинг савобини вафот этган кишиларга бағишлади шунда.

ХИДОЯТ ЁҒДУСИ



Аммо, мазҳабимизга оид фатво китоби (“Фатхул Қодир”, “Базозий”)ларда “уч”, “етти”, “йигирма”, “қирқ”, “йил” каби муайян кунларга қайтлаб маърақа ўтказиш макруҳ амал экани таъкидланади.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!



Ёрилай деяётган бош оғриғи, бурун битиши ва томоқ оғриғи... Буларнинг барчаси шамоллаш аломатлари ҳисобланади. Айниқса, ҳавонинг ифлосланиш даражаси юқори бўлаётган бугунги кунда юқоридаги аломатлар янада оғир кечиши мумкин.

ШАМОЛЛАШДАН УЙ ШАРОИТИДА ТЕЗ ТУЗАЛАЙ ДЕСАНГИЗ...

Хўш, уй шароитида соғлом ҳаётга қайтиш учун қандай чора кўриш керак?

Тиббиёт ходимларининг тавсиясига кўра, бу вазиятда ётоқ тартиби яхши ёрдам беради. Аммо ҳароратни назорат қилиб туриш лозим. Илоҳи борица, тананинг ўзи шамоллашни енгсин! Бундан ташқари, касаллик вақтида ёғли ва протеинли овқатлардан воз кечинг!

Касаллик энди бошлангандан бурунни чайиш самарали. Бунинг учун ўсимлик дамламаси ёки шўр сувдан фойдаланинг. Дам олиш ҳам тананинг тез тикланишига ҳисса қўшади. Қолаверса, бурун-ҳалқум йўлининг яллиғланишини эвкалипт, мойчечак, эман

дарахти ва боржоми дамламаларида ингальяция қилиш билан бартараф этиш мумкин. Жараёни тўғри бажаришда фақат бурун орқали нафас олинг ва оғзингиздан чиқаринг. Ёқимсиз томоқ оғриғидан халос бўлиш учун уни чайиб туринг. Бу ишни имкон қадар эрта бошлаган яхши. Йод-туз эритмаси, мойчечак ёки фурацилиндан фойдаланинг!

Газета саҳифаларидаги барча мақолалар матнини мусахҳиҳ Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқида.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОНОВ

Дизайнерлар:
Лазиз Мейликов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 8 220 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-1120

